

## **«ТАСДИҚЛАНГАН»**

“O’ZKOJI” aksiyadorlik jamiyati O’zbekiston  
– Koreya qo’shma korxonasi  
акциядорлари умумий йиғилишининг  
2017 йил «09» шоул даги  
қарори билан (2017 йил «09» шоул даги  
0-29-сонли баённома)



“O’ZKOJI” aksiyadorlik jamiyati O’zbekiston – Koreya qo’shma korxonasi Ижроия  
органи –Бош директори түғрисидаги

**НИЗОМ**  
(янги таҳрир)

**Хонобод - 2017 й.**

## **МУНДАРИЖА**

- I. Умумий қоидалар.
- II. Бош директорнинг ваколат доираси.
- III. Бош директорни сайлаш (тайинлаш) тартиби.
- IV. Бош директорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- V. Бош директорнинг жавобгарлиги.
- VI. Бош директорга ҳақ тўлаш Бош директорни мукофотлаш (рағбатлантириш).
- VII. Ахборотни ошкор этиш.
- VIII. Якуний қоидалар.

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу “O’ZKOJI” aksiyadorlik jamiyati O’zbekiston – Koreya qo’shma korxonasi Ижроия органи – Бош директори тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари ва “O’ZKOJI” aksiyadorlikjamiyati O’zbekiston – Koreya qo’shma korxonasi (кейинги ўринларда - Жамият) Устави асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом Жамият яккабошчилик ижроия органи - Бош директорининг (кейинги ўринларда – Бош директор) мақомини ва ваколатларини, уни тайинлаш тартибини, шунингдек унинг ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1.3. Бош директор Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади ва Жамиятнинг бошқарув органи ҳисобланади.

1.4. Бош директор Жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

## **II. БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ**

2.1. Бош директорнинг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

2.2. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

2.2. Бош директорнинг ваколатига қуйидагилар киради:

Устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилади;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларида корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;

банкларда ҳисоб рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади;

Жамият мижозлари ва бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;

ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол–мулки ва пул маблағларини тасарруф этади;

Жамият филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини лавозимига тайинлайди ва лавозимидан бўшатади;

штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйхатини тасдиқлайди, Жамият ходимларини ишга қабул қиласди, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласди, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлари, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлайди, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамият Кузатув кенгashi ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлайди;

Жамият Кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлайди;

Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қиласди;

Жамиятнинг фаолиятида қонун хужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;

амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги мълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгashi, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этади;

давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;

Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлайди;

Жамият акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисбланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳукукларига риоя қиласди;

қонун хужжатлари, Жамият Устави ва ушбу Низомга мувофиқ Бosh директор ваколатига киравчи бошқа масалаларни ҳал этади.

2.4. Бosh директор ҳар чорақда Жамият Кузатув кенгashi олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳисбот беради.

Бosh директор Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили якунларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисбот беради.

2.5. Ижроия орган Жамиятнинг инвестиция сиёсатини самарали амалга ошириш учун устав фондларида Жамиятнинг улуши мавжуд корхоналарнинг бошқарув органларида Жамият номидан «Устав фондларида акциядорлик жамияти улушга эга

корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакилларининг АЖ номидан овоз бериш Тартиби»га мувофиқ овоз беришни амалга оширади.

### **III. БОШ ДИРЕКТОРНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ТАРТИБИ**

3.1. Жамиятнинг Бош директори, “O’zavtosanoat” акциядорлик жамияти тавсиясига кўра Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига кўра бир йил муддатга сайланади (тайинланади).

Акциядорлар вакили сифатида иштирок этаётган Бош директор, Бош директорни сайлаш масаласида овоз беришда иштирок этмайди.

3.2. Жамият Бош директорини сайлаш (тайинлаш) чет әллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

3.3. Жамият Кузатув кенгashi Бош директор лавозимига номзодларни кўриб чиқади.

3.4. Бош директор лавозимига номзодлар номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда, Кузатув кенгashi мажлисида иштирок этишлари мумкин.

3.5. Жамият Бош директорлигига номзодларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш Кузатув кенгashi томонидан шахсий тартибда амалга оширилади.

3.6. Бош директорни сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

3.7. Акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан Бош директорни сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор қабул қилингандан кейин Бош директор билан ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузилади.

3.8. Бош директор билан шартнома бир йил муддатга тузилади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар иили қарор қабул қилинади.

Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгashi ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Бош директор билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгashi олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши зарур.

3.9. Бош директор лавозим йўриқномасида белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, Жамият Устави, ушбу Низом, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари доирасида иш тутади.

3.10. Жамият Кузатув кенгashi Жамиятнинг Бош директори билан тузилган меҳнат шартномасини, агар у Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) хукуқига эга.

Кузатув кенгаши томонидан Жамият Бош директори ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Жамият Бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда, Бош директорни сайлаш (тайинлаш) масаласини Акциядорларнинг умумий йиғилишининг яқин орадаги йиғилишида кўриб чиқиш учун киритилади.

3.11. Жамият Бош директор ўринбосари «e-rae cs limited» компанияси тавсиясига асосан тайинланади ва Бош ижроия лавозимидағи шахс сифатида Бош директор билан биргаликда Жамиятнинг умумий бошқаруви ва Жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланган сиёсатга мувофиқлиги устидан масъул хисобланади. Бош директор ўринбосари “Менеджмент бўйича келишув”да белгиланган муддати тугагунига қадар иш юритиши мумкин.

#### **IV. БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган ушбу “Ижроия органи - Бош директор тўғрисида”ти низомда ҳамда у Жамият билан бир йил муддатга тузадиган меҳнат шартномасида белгиланиб, меҳнат шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

4.2. Бош директор қўйидагиларга ҳақли:

ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қиласди;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимга эга бўлиши мумкин;

Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

Жамият фаолиятини устувор йўналишларини белгилаш бўйича таклифлар киритиш;

Хақ олиш;

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

4.3. Бош директор қўйидагиларга мажбур:

Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

Кузатув кенгашини манфаатлар тўқнашуви юзага келиши тўғрисида хабардор қилиш;

ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш;

акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳукуқларига риоя этилишини назорат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни тегишли тарзда ошкор этилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлайди;

Йиғилиш, мажлис ва семинарларни ўтказишни ташкил этиш;

Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

давлат статистика ҳисботи ва бухгалтерия ҳисботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, Жамият Устави, ушбу Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

4.4. Жамият акциядорларини манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, Бош директор Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда, Жамиятнинг бизнес хавфхатарларини суғурта қиласди.

4.5. Бош директор Жамият Кузатув кенгашининг розилигисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишга ҳақли эмас.

## V. БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бош директор ўз ҳукуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб иш тутишлари зарур.

5.2. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамият Бош директор устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

5.3. Бош директор ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида Жамиятга етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият олдида жавобгар бўлади.

## **VI. БОШ ДИРЕКТОРНИ МУКОФОТЛАШ (РАГБАТЛАНТИРИШ)**

6.1. Бош директорга у ўз вазифасини бажариб турган давр учун Жамиятнинг ҳисобот молия йилидаги фаолият якунлари бўйича мукофот тўланиши мумкин.

6.2. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган мукофот миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади.

Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилашда, шунингдек кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида"ни қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

6.3. Бош директор Жамиятнинг йил якунлари бўйича соф фойдадан мукофот олишга ҳақлиdir.

6.4. Бош директорга мукофот тўлаш жамият айланма маблағлари хисобидан амалга оширилиши мумкин.

## **VII. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ**

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамият Бош директорига тўланадиган ҳақ ва компенсациялари миқдори ошкор қилинади.

7.2. Жамиятнинг корпоратив сайтида ижроия органининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жойлаштирилади, шу жумладан:

- Жамият ижроия органи тўғрисида;
- унинг ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар, Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи масалалар ва бошқа маҳфий ахборотлар бундан мустасно;
- Бош директорнинг Жамият Кузатув кенгашига ҳисоботлари;
- Жамият ижроия органи фаолиятини баҳолаш тўғрисидаги ахборот;
- Жамият таркибига кирувчи корхоналар фаолияти юзасидан уларнинг тасдиқланган бизнес-режасига мувофиқ, Жамият ижроия органи томонидан бажарилган ишлар ва эришилган кўрсаткичлар тўғрисида ҳисобот;
- қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа ахборотлар.

## **VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

8.1. Ушбу Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

8.2. Ушбу Низомга амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамият Устави ўзгарганлиги муносабати билан ўзgartiriш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

8.3. Ушбу Низомга киритилган ўзgartiriш ва (ёки) қўшимчалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

"O'ZKOJI" AJ QK  
Бош директори

Абдурахмонов Б.К.